



## THE CONCEPT AND ESSENCE OF THE ORGANIZATIONAL FOUNDATIONS OF CRIME PREVENTION

Tillaev Ikrom Rustamjonovich

Independent Researcher at the Criminology Research Institute of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441361>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> October 2025

Accepted: 24<sup>th</sup> October 2025

Online: 25<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Crime prevention, organizational foundations, legal mechanisms, institutional system, comparative analysis, prevention subjects, crime prevention law, authorized bodies, cooperation, monitoring.

### ABSTRACT

*This article analyzes the organizational foundations of crime prevention from both a scientific-theoretical and practical perspective. It examines the organizational aspects of prevention in legal theory and practice, the system of subjects, and their interaction mechanisms. Additionally, a comparative analysis of the organizational and legal foundations of crime prevention in the legislation of the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation is conducted. The research results enable the development of scientifically grounded proposals to improve the prevention system and increase its effectiveness.*

## ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА МОЎЯТИ

Тиллаев Икром Рустамжонович

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустқил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441361>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> October 2025

Accepted: 24<sup>th</sup> October 2025

Online: 25<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Ўқуқбузарликлар профилактикаси, ташкилий асослар, ҳуқуқий механизмлар, институционал тизим, қиёсий таҳлил, профилактика субъектлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун,

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари тушунчаси ва унинг моўяти илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада ҳуқуқ назарияси ва амалиётда профилактика соҳасининг ташкилий жиҳатлари, субъектлар тизими ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси қонунчиликларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот натижалари профилактика тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган*



*ваколатли органлар, илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш  
ҳамкорлик, мониторинг имконини беради.*

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари тушунчасини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва унинг моҳиятини очиб бериш, ҳуқуқ назарияси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Хусусан:

1) *Ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари тушунчасини илмий таҳлил қилиш бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

а) профилактика соҳасига оид ҳуқуқий механизмлар, субъектлар ва воситаларни аниқ ва қатъий назарий асосларда белгилаш;

б) ушбу тушунчани очиб бериш орқали профилактикага оид ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ташкилотчиликнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ҳамда уни институт сифатида умумий ҳуқуқ тизимида жойлаштириш;

в) масалани чуқур илмий ўрганиш орқали профилактиканинг услубий асослари, принциплари ва вазифаларини қамраб олган назарий моделни шакллантириш. Бу эса профилактикани мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганиш имкониятини яратади.

2) *Амалиёт нуқтаи назаридан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асосларини чуқур ўрганиш қуйидаги муҳим амалий жиҳатларни белгилаб олиш имконини беради:

а) “ташкилий асослар”нинг мазмунини таҳлил қилиш орқали ички ишлар органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, таълим муассасалари ва жамоатчилик иштирокида профилактика тадбирларини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш;

б) ташкилий асосларни илмий белгилаш орқали профилактика соҳасида иштирок этувчи фаол субъектлар жумладан, ИИО, прокуратура органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан самарали ташкил этиш;

в) илмий асосланган ташкилий ёндашув профилактика чораларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари жумладан, ёшлар, кам таъминланганлар, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар билан индивидуал ишлаш механизмлари орқали янада такомиллаштириш имконини яратади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асосларини илмий ва амалий жиҳатдан комплекс ўрганиш ушбу соҳани мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида шакллантириш, ҳуқуқ тизимида унинг институционал ўрни ва амалий самарадорлигини аниқ белгилаш имконини беради.

Қуйида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асосларини илмий-назарий ва қиёсий жиҳатдан комплекс ўрганамиз:



Хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий жиҳатдан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу масала хуқуқшунос олимлар томонидан турлича ёндашувларда ўрганиб чиқилган. Жумладан, айрим хуқуқшунослар томонидан таъкидланганидек, ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши лозим:

а) соҳавий хизматлар ўртасида вазифа ва функцияларни аниқ ҳамда мақбул тарзда тақсимлаш;

б) ҳар бир таркибий тузилманинг хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини унинг асосий вазифалари билан уйғунлаштириш;

в) мазкур профилактик фаолиятни амалга оширишда соҳага ихтисослашган мутахассислардан фойдаланиш, яъни мутахассислашувни таъминлаш;

г) профилактика жараёнига замонавий усуллар, шакллар ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш<sup>1</sup>.

Шунингдек, хуқуқшунос Қ.А. Сайтқуловнинг тадқиқотларида хуқуқбузарликлар *виктимологик профилактикаси*га оид ташкилий асослар таркибидаги институционал, бошқарув, ресурс ва ҳамкорлик тизимлари алоҳида таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бирига хос функциялари ва элементлари илмий жиҳатдан асослаб берилган<sup>2</sup>. Бироқ, мазкур ёндашув асосан *виктимологик профилактика* соҳасига доир бўлгани сабабли, уни хуқуқбузарликлар профилактикасига оид *умумий ташкилий асослар* сифатида эмас, балки *муайян йўналиш* доирасида ишлаб чиқилган махсус илмий концепция сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Хуқуқшунос олим Ф.В. Минглиев ўз тадқиқотларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ташкилий-хуқуқий асосларини ўрганган. Унинг таъкидлашича, мазкур фаолиятнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, профилактик тадбирларни амалга оширишда ташкилий ва институционал асосларнинг қанчалик тўғри ва мукамал шакллантирилганлигига бевосита боғлиқдир.<sup>3</sup> Ушбу олим профилактиканинг самарадорлигини таъминлаш учун ташкилий ва институционал механизмларни мукамал қонуний асослаш муҳим деган умумий концепцияни юритади; бу эса профилактика тўғрисида умумий назарий модельнинг бир қисми сифатида хизмат қилади. Унинг тадқиқоти маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солиш, ваколат тақсимоти, ҳамда ички

<sup>1</sup> Сайтқулов Қ.А., “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш” // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган Диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2020. –Б.80.;

<sup>2</sup> Сайтқулов Қ.А., “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш” // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган Диссертация. ИИВ Академияси. –Т.: 2020. –Б.80-90.

<sup>3</sup> Минглиев Ф.В., Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятининг ташкилий-институционал асослари.Мақола. International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS) Volume. 6, Issue 08, December (2023).//<https://doi.org/10.5281/zenodo.11003723>.



ишлар органлари билан яқин ҳамкорликни моделлаштиришда муҳим илмий база ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимлар А.А. Аманов, Ф. Бобомуродов ва мустақил изланувчи Х.Қ. Бобохонов<sup>4</sup> ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасининг ташкилий асосларига турлича илмий ёндашувлар орқали ёндашганлар<sup>5</sup>. Жумладан, А.А. Аманов профилактика фаолиятини жамоат хавфсизлиги тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган бўлса, Ф. Бобомуродов тезкор-қидирув фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва унинг профилактикадаги ўрнига эътибор қаратган. Шу билан бирга, Х.Қ. Бобохонов профилактика инспекторлари фаолиятини ташкилий нуқтаи назардан ўрганган. Ушбу муаллифлар томонидан илгари сурилган илмий қарашлар профилактика соҳаси учун умумий ва самарали институционал моделни шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим назарий асосларни таъминлайди.

Баъзи манбаларда “жиноятларнинг олдини олиш бўйича ташкилий асослар” тушунчаси жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва нейтраллаштиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар мажмуаси сифатида изоҳланган<sup>6</sup>. Бу чора-тадбирлар таркибига ахборот-таҳлилий фаолият, профилактик тадбирларни режалаштириш, турли субъектлар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек, амалга оширилган ишлар самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш каби асосий йўналишлар киради.

Юқоридаги таҳлилларга таянилган ҳолда, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари тушунчаси”нинг мукамал илмий таърифи ишлаб чиқилди.

*Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари* – бу профилактика фаолиятини самарали амалга оширишга қаратилган, ушбу фаолиятни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар тизими, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ўзаро ҳамкорлик шакллари, фаолият услублари ҳамда зарур ташкилий, моддий ва ахборот ресурслари билан таъминланишини назарда тутувчи яхлит тизимдир. Ушбу асослар профилактиканинг самарадорлиги,

<sup>4</sup> Бабаханов Ҳ.Қ. (2024). Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари. //Results of national scientific research international journal, 3(4), 126–135. Vol. 3 No. 4 (2024): Results of National Scientific Research International Journal.

<sup>5</sup> Бабаханов Ҳ.Қ., (2024). Профилактика инспекторининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий асослари. //Results of national scientific research international journal, 3(4), 126–135. Vol. 3 No. 4 (2024): Results of National Scientific Research International Journal.; Аманов А.А., Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш. Results of national scientific research international journal, 2(3), 112–116. Vol. 2 No. 3 (2024):

<sup>6</sup> <https://www.google.com/search?sourceid=chrome&ie=UTF-8>; Лубков Е.А., Организационно-правовые основы профилактики преступлений в условиях колонии-поселения.//Научная статья. Псковский юридический институт Федеральной службы исполнения наказаний России. Бюллетень Минюста РФ, № 1, 2007. file:///C:/Users/user/Downloads/organizatsionno-pravovye-osnovy-profilaktiki-prestupleniy-v-usloviyah-kolonii-poseleniya.pdf.



тизимлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган муҳим илмий-амалий пойдевор ҳисобланади.

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган анкета сўровида иштирок этган профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари тушунчасига берилган таъриф хусусидаги фикрлари ўрганилганда, уларнинг 56,2% томонидан маъқулланган, қолган 20,9 фоиз иштирокчи эса таъриф юзасидан алоҳида фикр ва таклифларни билдиришган.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари тушунчасига берилган таъриф профилактика инспекторларининг аксарият қисми томонидан ижобий қабул қилинган. Хусусан, респондентларнинг 56,2 фоизи таърифни маъқуллагани, унинг назарий асосланганлигини ва амалиётда қўллаш учун муносиб эканини тасдиқлайди. Бу эса ишлаб чиқилган таърифнинг илмий ва амалий жиҳатдан етарли даражада асосланганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, 22,9 фоиз респондент таърифни маъқулламаган, бу эса мавжуд таърифда тушунарсизлик, умумийлик ёки амалиёт учун етарли аниқлик йўқлигини билдириши мумкин. Қолган 20,9 фоиз иштирокчи таъриф юзасидан алоҳида таклиф ва альтернатив фикрлар билдиргани, ушбу масалага нисбатан турлича ёндашув ва қарашлар мавжудлигини англатади.

Ушбу натижалардан келиб чиқиб, қуйидаги **илмий хулосаларни** бериш мумкин:

таклиф этилган таъриф ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амал қилувчи ходимларнинг катта қисми томонидан маъқуллангани сабабли, у асосий назарий платформа сифатида қабул қилиниши мумкин;

маъқулламаган ва алоҳида фикр билдирган респондентларнинг сони ҳам салмоқли бўлгани учун таърифни янада такомиллаштириш, аниқлаштириш ва унинг амалий жиҳатларини ёритиб бериш зарурати мавжуд;

профилактика соҳасидаги турли субъектлар (ИИО, маҳаллий ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари ва бошқалар)нинг фаолиятини қамраб олган ҳолда, таърифни модул тарзида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**Учинчи ёндашув:** “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари” тушунчаси ва унинг моҳияти ўзаро боғлиқ бўлса-да, мазмунан фарқ қилади. **Тушунча** – бу ушбу соҳанинг умумий таърифи, ундаги асосий элементлар ва тизимнинг ташқи кўринишини ифода этса, **моҳият эса** – бу тушунчанинг ички мазмуни, унинг ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий аҳамиятини, мақсади ва вазифаларини акс эттиради.

Мазкур фарқни аниқлаш ва илмий асослаш учун **назарий-ҳуқуқий таҳлил** (принциплар, нормалар ва категорияларни таҳлил қилиш) ҳамда **қиёсий таҳлил** (турли ҳуқуқий тизимлардаги ёндашувларни солиштириш) усулларида фойдаланиш талаб этилади. Бу таҳлиллар орқали ушбу атаманинг илмий асосланган таърифи шакллантирилади ва унинг амалиётдаги аҳамияти кенгроқ тушунилишига имкон яратади.



Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**МОҲИЯТ**” сўзи қуйидаги икки маънода келтирилган, биринчидан, “бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз”, иккинчидан, “нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттирадиган қиёсий ҳодиса”<sup>7</sup>. Демак, **МОҲИЯТ** – бу муайян тушунчанинг ички мазмуни, асл табиати ва энг муҳим, ҳал қилувчи жиҳатларини акс эттирувчи категория ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан моҳият тушунчанинг сиртқи шакли ортидаги унга мазмун берувчи ички асос, унда мужассам бўлган мақсад, вазифа ва ижтимоий аҳамиятни англатади.

Хусусан, “ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг моҳияти” — бу жамиятда хавфсизликни таъминлаш, шахс ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни илмий асосда аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган комплекс, тизимли фаолиятдир.

Ушбу моҳият профилактиканинг фақат ташкилий ёки ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий, маънавий, таълимий ва психологик вазифаларни қамраб олишини англатади. Демак, “моҳият” тушунча орқали профилактиканинг зарурлиги, ижтимоий функцияси ва амалий аҳамияти очиб берилади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари” моҳиятини илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар асосида тўлиқ ва тизимли тарзда ўрганилади.

**Илмий-назарий таҳлил:** Россия олимларининг тадқиқотларида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари” моҳиятини муайян даражада очиб берилган<sup>8</sup>: Масалан, ҳуқуқшунос олимлар М.Ш.Махтаев, Н.П.Ладыгина, Е.В.Барышникова, З.Н.Сафина, М.М.Шамсутдиновларнинг тадқиқотларида “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари” моҳияти<sup>9</sup>нинг ҳуқуқ назарияси ва амалиётда мазмунан қуйидаги даражаларга бўлиб ўрганишни тавсия этишган:

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Izoh.uz сайтида моҳият сўзининг изоҳи ва маънолари. <https://izoh.uz/uz/word/mohiyat>

<sup>8</sup> Дородонова Н. В., Правовые и организационные основы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних в России и за рубежом: сравнительный аспект. Научная статья. Мониторинг правоприменения №1 (34) – 2020, DOI: 10.21681/2226-0692-2020-1.; Атагимова Э.И. Правовое регулирование противодействия семейно-бытовому насилию в России и за рубежом: сравнительный анализ // Мониторинг правоприменения. 2018. № 2. (27). С. 49—53. DOI: 10.21681/2226-0692-2018-2-29-53.; Рыбакова О.С. Развитие законодательства в рамках реализации российской правовой политики в сфере поддержки материнства и семей с детьми // Мониторинг правоприменения. 2018. № 4 (29). С. 37—41. DOI: 10.21681/2226-0692-2018-4-37-41.

<sup>9</sup> М.Ш. Махтаев., “Криминалистическое обеспечение предупреждения преступлений” // Учебное пособия. 2025.–Ст.50-120.; З. Н.Сафина, М. М. Шамсутдинов “Нормативно-правовые основы правоохранительной деятельности в Российской Федерации”. //Учебное пособия. 2014.–Ст.200-260.; О.П. Колченогова ва Н.А. Легенченко – “Профилактика преступлений: курс лекций”. Академия МВД, Беларус, 2014.–Ст.260.; З. Э.У.Алауханов ва З.С.Зарипов – “Профилактика преступлений”. Учебник. Алматы, 2008. –Ст.300.



*Институционал даража* – профилактика фаолиятини амалга оширувчи давлат ва жамоат субъектлари тизими, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, ҳамда ўзаро институционал муносабатлари аниқланган.

*Функционал ўзаро боғлиқлик даражаси* – ўзаро мувофиқлаштирилган ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун субъектлар ўртасида функциялар тақсимооти ва ҳамкорлик механизмлари ташкил этилган.

*Услубий-шаклий даража* – профилактиканинг турли шакллари (умумий, махсус, индивидуал) ва услубларини (ахборот-огоҳлантириш, тарбиявий, ижтимоий- психологик) жорий қилишга қаратилган белгилаб берилган комплекс усуллар қамраб олинган.

Ушбу таҳлилда “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкилий асослари”нинг айрим муҳим жиҳатлари — институционал, функционал ва услубий-шаклий даражалар тўғри ва мукамал тарзда ёритилган. Бироқ, бу асосларни янада тўлиқ ва ҳар томонлама очиб бериш учун **норматив-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий, ресурс таъминоти, ва ижтимоий-маърифий (ҳуқуқий маданият)** каби қўшимча йўналишларни ҳам таҳлилга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу қўшимча йўналишларни таҳлилга киритиш орқали “ташкилий асослар” тушунчасини янада чуқур, кенг қамровли ва комплекс тарзда ёритиш имкони пайдо бўлади. Бу эса унинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил:** Россия Федерациясини 2016 йил 23 июндаги “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимининг асослари тўғрисида”<sup>10</sup>ги ФҚ-182-сон қонуннинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизими фаолиятининг ташкилий асослари” деб номланган 4-бобида қуйидагилар назарда тутилган:

29-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизими фаолияти

30-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар

31-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ахборот билан таъминлаш

32-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳасидаги мониторинг.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўғрисида”ги қонунида ташкилий ҳуқуқий асослар тарқоқ берилган бўлиб, улар қуйидагилар:

1) 2-бобида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими” (9-модда),

2) Мувофиқлаштирувчи орган сифатида – Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар (20-модда),

3) Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини соҳасидаги

<sup>10</sup> Федеральный закон от 23 июня 2016 г. N 182-ФЗ “Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации” (с изменениями и дополнениями). <https://base.garant.ru/71428030/>.



ваколатлари (18-модда) мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига: ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида; баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида; одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида; вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида; ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари (17-модда) Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига: ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида; одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида; таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида; ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

4) Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияларга (20-модда) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чораларни баҳолашни, мониторинг қилишни ва уларнинг самарадорлигини ошириш вазифаси юклатилган.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш мумкин:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими фаолияти учун алоҳида боб ва моддалар назарда тутилиши лозим:

Россия Федерациясида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими фаолияти” алоҳида 4-бобда, 29–32-моддалар орқали тизимли равишда белгилаб берилган. Бу қонун нормалари ваколатли органлар, ахборот алмашинуви, мониторинг ва мувофиқлаштириш механизмларини аниқ белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида: а) ташкилий-ҳуқуқий асослар алоҳида боб сифатида тизимлаштирилиши; б) фаолият йўналишлари, органлар ваколати, ахборот алмашинуви ва мониторинг масалалари алоҳида моддаларда белгиланиши **таклиф** этилади.

2. Ахборот билан таъминлаш ва идоралараро маълумот алмашинувини ҳуқуқий асослаш:



Россия қонунида (31-модда) профилактика соҳасида ахборот билан таъминлаш махсус нормада мустақамланган. Ўзбекистон қонунида бу фақат қисман, тарқоқ ҳолда берилган (17, 18-моддаларда алоҳида соҳалар кесимида).

Ахборот алмашинуви механизмларини умумий ҳолда белгилайдиган янги модда киритиш зарур. Мазкур моддада ижтимоий соҳа муассасалари (мактаб, шифохона, маҳалла, ННТлар) ва ички ишлар органлари ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви шакллари, муддатлари ва мазмуни кўрсатилиши керак.

3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат мониторинги тизимини жорий этиш:

Россия қонунининг 32-моддасида мониторинг механизми алоҳида модда сифатида назарда тутилган. Ўзбекистон қонунида бу фақат 20-моддада идоралараро комиссия ваколатлари доирасида қисман тилга олинган.

Қонунга алоҳида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мониторинги” деб номланган модда киритилиши лозим.

Мониторинг мезонлари, ҳисобот шакли, таҳлилнинг вақти ва натижаларини ишлатиш механизмлари ҳуқуқий асосда кўрсатилиши керак.

4. Идоралараро мувофиқлаштиришни институционаллаштириш ва норматив асосини кучайтириш:

Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги мувофиқлаштирувчи органлар тизими яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу йўналишда “жиноятчиликнинг олдини олиш кенгашлари” (Kriminalprävention Councils) ҳамда маҳаллий даражадаги махсус ишчи гуруҳлар самарали фаолият юритади. Ўзбекистонда эса профилактик фаолиятни мувофиқлаштириш асосан идоралараро комиссиялар орқали амалга оширилади ва бу тизим ҳали тўлиқ институционаллашмаган.

Ўзбекистондаги идоралараро комиссиялар – **мавжуд**, лекин уларнинг фаолияти доимий эмас, кўп ҳолларда **фаолиятнинг ўзгарувчанлиги ва институционал барқарорлик етишмаслиги** кузатилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун, аввало, уларнинг ҳуқуқий мақоми (яъни расмий мақоми ва ваколатлари), таркиби (кимлардан иборат бўлиши), қарор қабул қилиш тартиби (қарорлар қандай қабул қилиниши ва қай даражада мажбурийлиги), ҳамда юридик ва амалий жавобгарлиги аниқ ва аниқланган ҳолда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши лозим.

Шунингдек, ҳар бир Тошкент шаҳрининг туманлари миқёсида алоҳида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кенгашлари ташкил этилиши, уларнинг ваколатлари, тартиби ва иш усуллари норматив ҳужжатлар орқали белгилаб қўйилиши зарур. Бу маҳаллий даражада профилактика чораларини самарали мувофиқлаштириш ва тизимли олиб боришга хизмат қилади.

Россия Федерациясининг қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ташкилий-ҳуқуқий асослари аниқ, тизимли ва моддама-модда шаклда баён қилинган. Ўзбекистон Республикасидаги қонун нормалари эса тараққиётга



йўналтирилган бўлса-да, тарқоқ, идоравий моҳиятда ва институционал ҳимоясиз ҳолда ифодаланган.